

**БУХОРО МУҲАНДИСЛИК–ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Т.101.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ХОЛИҚОВ АЛИЖОН АБДИРАУПОВИЧ

**ИССИҚЛИК ҚУВУРЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ АСОСИДА МЕВА ВА
САБЗАВОТЛАРНИ ҚУРИТИШ ЖАРАЁНИНИ ЭНЕРГЕТИК
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

**02.00.16 – Кимё технологияси ва озиқ-овқат ишлаб чиқариш жараёнлари ва
аппаратлари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2022

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
техническим наукам**
**Content of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on technical
sciences**

Холиқов Алижон Абдираупович

Иссиқлик қувурларини қўллаш асосида мева ва сабзавотларни қуритиш
жараёнини энергетик самарадорлигини ошириш.....3

Холиқов Алижон Абдираупович

Повышение энергетической эффективности процесса сушки плодов и овощей
на основе применения тепловых труб.....21

Kholikov Alijon Abdiraupovich

Increasing the energy efficiency of the process of drying fruits and vegetables
based on the use of heat pipes.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....42

**БУХОРО МУҲАНДИСЛИК–ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Т.101.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ХОЛИҚОВ АЛИЖОН АБДИРАУПОВИЧ

**ИССИҚЛИК ҚУВУРЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ АСОСИДА МЕВА ВА
САБЗАВОТЛАРНИ ҚУРИТИШ ЖАРАЁНИНИ ЭНЕРГЕТИК
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

**02.00.16 – Кимё технологияси ва озиқ-овқат ишлаб чиқариш жараёнлари ва
аппаратлари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2022

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/T341 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Бухоро муҳандислик-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.bmti_info@edu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Джураев Хайрулло Файзиевич**
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Сафаров Жасур Эсирганович**
техника фанлари доктори, профессор

Жумаев Қаюм Каримович
техника фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: **Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти**

Диссертация химояси Бухоро муҳандислик-технология институти ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.T.101.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «17» февраль соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200117, Бухоро шаҳар, Қ.Муртазов кўчаси, 15. Тел.:(99865) 223-78-84, факс: (99865) 223-78-84, e-mail: bmti_info@edu.uz.)

Диссертация билан Бухоро муҳандислик-технология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 359, рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200117, Бухоро шаҳар, Қ.Муртазов кўчаси, 15. Тел.: (99865) 223-78-84.)

Диссертация автореферати 2022 йил «4» февраль куни таркатилди.
(2022 йил «31» январь даги № 4 рақамли реестр баённомаси).



Н.Р.Баракаев
Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси т.ф.д., профессор

Р.Р.Ҳайитов
Илмий даража берувчи илмий кенгаш котиби т.ф.д., кат.ил.ход

Ш.М.Ходжиев
Илмий даража берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси т.ф.н., доцент

КИРИШ(фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш соҳаларида юқори даражада ўсиш кузатилмоқда. Консерваланган ва қурилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқиш, озиқ-овқат саноатининг етакчи тармоқларидан бири ҳисобланади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қуришида мураккаб конструкцияли, энергия сарфи юқори бўлган техника ва технологиялардан фойдаланиб келинмоқда. Шунга кўра, экспортбоб қурилган мева ва сабзавотларни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган, самарали, энергия тежамкор, қайта тикланувчи энергия манбааларидан фойдаланиб замонавий техника ва технологияларни яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Дунёда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини комплексли қайта ишлаш, мева сабзавотларни қуриши жараёнлари ва қурилмаларини такомиллаштириш, инновацион технологиялар асосида замон талабларига мос техника ва технологияларни яратиш бўйича изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада иккиламчи энергия манбаларидан фойдаланиб, мева ва сабзавотларни паст ҳароратда қуриши жараёнини тадқиқ қилиш, сифатли, экспортбоб қурилган мева ва сабзавотлар ишлаб чиқариш жараёнларининг замонавий, юқори самарали усули ва қурилмаларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда ресурс тежамкор, такомиллаштирилган қурилмаларни ишлаб чиқиш бўйича муҳим натижаларга эришилмоқда. Иссиқлик қувурлари (ИК) ёрдамида ишловчи, энергия самарадорлиги юқори қуриши жараёнларининг режимларини аниқлаш, иссиқлик ва моддаалмашинув жараёнларини моделлаштириш, оптималлаштириш, илмий асосланган оптимал лойиҳалаш усулларини ишлаб чиқиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришга қаратилган Ҳаракатлар стратегиясида “...иқтисодийнинг энергия ва ресурс сарфини қисқартириш, ишлаб чиқаришга энергия тежамкор технологияларни жорий қилиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни изчил ривожлантириш, импорт ўрнини босувчи рақобатбардош ва экспортбоб маҳсулотларни тайёрлаш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш”¹ вазифалари белгилаб берилган. Шу нуқтаи назардан мева ва сабзавотларни паст ҳароратли қуришида қуёш энергияси, ИҚ ҳамда иккиламчи энергия манбааларидан фойдаланиш механизмининг жорий этиш муҳим аҳамият касб этади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон “Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги, 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сон “Илм- фанни

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони

2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2020 йил 15 октябрдаги ПҚ-4863-сон “Саримсоқпиез ҳамда Тўқсонбости усулида сабзавотларни етиштириш ва экспорт қилишни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 11 декабрдаги ПҚ-4549-сон “Мева- сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада кўшилган қиймат занжирини яратишга доир кўшимча чора- тадбирлар тўғрисида”ги, 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарорлари, Фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот фан ва техника тараққиётининг V устивор йўналишига “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳитини муҳофаза қилиш” ва 2015-2017 йиллардаги ИТД-9 “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқиш учун юқори самарали экологик тоза агротехнологияларини, уларни сақлаш, қайта ишлаш усулларини ва касалликлар ва зараркунандаларга қарши кураш воситаларни яратиш” дастурига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мева ва сабзавотларни қайта ишлаш ва қуритиш технологиясига тегишли масалаларни ечиш бўйича хорижлик олимлардан В. Liesdek, О. Ansenk, J.Müller, Н.Мahanom, М.Дattatreya, Н.Кunzek, МДХ олимларидан: А.В. Лыков, П.Д. Лебедев, А.С. Гинзбург, В.В. Красников, Б.И. Леончик, В.В Кафаров, З.А. Кац, И.А. Рогов, В.А. Панфилов, Г.К. Филоненко, Б.С. Сажин ва бошқалар, Республикамиз олимларидан З.С. Салимов, А.А. Артиков, Ҳ.С. Нурмаҳамедов, О.Ф.Сафаров, К.О.Додаев, Х.Ф.Джураев ва бошқалар ўзларининг ҳиссаларини қўшишган.

Хориж амалиётида ИҚ ни саноатда қўллаш бўйича таклифлар илгари сурилган. Аммо, олиб борилган таҳлиллар шуни кўрсатдики, ҳозирги куннинг иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда мева ва сабзавотларни қайта ишлаш ва қуритишда қуёш энергияси, иккиламчи иссиқлик манбалари, ҳамда ИҚ асосида ишлайдиган энергия тежамкор технологияларни жорий этиш бўйича илмий тадқиқот ишлари етарли даражада олиб борилмаган.

Ушбу муаммоларни ечишда ИҚ учун қуёш энергиясидан фойдаланиш самарадорлигини ўрганиш, улар асосида қуритиш техника ва технологияларини жорий этиш, мақбул усулларни назарий ва амалий асослаш муҳим вазифа ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро муҳандислик- технология институтининг илмий - тадқиқот ишлари режасининг №ИТД-6-078 “Мева ва сабзавотларни комплекс қайта ишлашда чиқиндисиз, энергияни тежайдиган инновацион технологияларни ишлаб чиқиш” (2009-2011 йй.) мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади иссиқлик қувурларидан фойдаланилган ҳолда энергия самарадорликни оширувчи қуритиш ускунасини ишлаб чиқиш ва қуритиш жараёнининг мақбул режимларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

мева ва сабзавотлар таркибидаги намлик миқдорини чиқариб юборишда қўлланиладиган ананавий қуритиш қурилмаларини ҳамда усулларини ўрганиш ва тадқиқ қилиш;

иссиқлик ва модда алмашилиш тизимларида иссиқлик қувурларини қўлланилиш соҳасини ўрганиш, назарий ва экспериментал тадқиқотлар асосида иссиқлик қувурларининг асосий конструктив ва технологик параметрларини аниқлаш;

олиб бориладиган назарий ва экспериментал тадқиқотлар асосида мева ва сабзавотларни қуритиш жараёнида қўлланиладиган иссиқлик қувурларининг мақбул конструкцияларини ва ишчи агентларни аниқлаш;

иссиқлик қувурининг иситиш ва конденсация зонасида ишчи агентнинг ҳаракатланиш қонуниятларини тадқиқ қилиш;

иссиқлик қувурларидан фойдаланилган ҳолда энергия самарадорликни оширувчи тажриба синов қуритиш ускунасини ишлаб чиқиш;

пиёз ва ўрикни қуритишда иссиқлик қувурлари ёрдамида ишловчи қуритиш жараёнини таҳлил қилиш ва таъсир этувчи омилларни тажрибалар асосида ўрганиш;

пиёз ва ўрикни қуритиш жараёнининг оптимал режимларини аниқлаш;

иссиқлик қувурлари ёрдамида ишлайдиган қуритиш ускунасини муҳандислик ҳисоблаш усулини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида иссиқлик қувурлари ва уларни қўллаган ҳолда ишлайдиган қуритиш ускунаси ҳамда мева ва сабзавотларни қуритиш жараёни олинган.

Тадқиқотнинг предмети юқори самарали энергия тежамкор, қуёш энергияси ҳамда иссиқлик қувурлари тизимида ишловчи қуритиш қурилмаси ва қуритиш жараёнининг технологик параметрлари ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда иссиқлик қувурларининг ишчи агентларини, махсулот таркибидаги намлик ва температура ўзгаришларини аниқлаш услубиёти қўлланилган. Иссиқлик қувурлари билан ишлайдиган қуритгичларнинг энергия самарадорлигини изоҳлаш қонуниятларидан ва тегишли тенгламалардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

иссиқлик қувурининг буғлатиш ва конденсация зонасида ишчи агентнинг ҳаракатланиш қонунияти аниқланган;

иссиқлик қувурларидан фойдаланилган ҳолда энергия самарадорликни оширувчи тажриба синов қуритиш ускунаси ишлаб чиқилган;

қуёш энергияси таъсирида иссиқлик қувурлари бўйича ҳосил қилинган энергия ёрдамида қуритиш камерасининг бутун ҳажми бўйича бир хил ҳароратнинг таъминланиши асосланган;

иссиқлик қувурларидан фойдаланилган ҳолда энергия самарадорликни оширувчи тажриба синов қуритиш ускунасида қуритиш жараёни кинетикаси

ўрганилган ҳамда пиёз ва ўрикни қуритиш жараёнининг оптимал режимлари аниқланган;

ишлаш принципи қуёш энергиясидан фойдаланишга асосланган иссиқлик қувурлари ёрдамида ишлайдиган мева ва сабзавотларни қуритишнинг энергия самарадорлигини ошириш бўйича концептуал ёндашув ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

мева ва сабзавотлар таркибидаги намлик миқдорини бир меъёрга чиқишини таъминлашга йўналтирилган, қуёш энергияси ва иссиқлик қувурлари ёрдамида ишловчи қуритиш қурилмаси ишлаб чиқилган;

назарий ва экспериментал тадқиқотлар асосида иссиқлик қувурларининг асосий конструктив ва технологик параметрлари аниқланган;

қуритиш жараёнининг энергия самарадорлигини ошириш мақсадида иссиқлик қувурида ҳаракатланаётган ишчи суюқлик 70% этил спити аралашмасидан, иссиқлик қувури диаметри 20 мм ва унга ўрнатилган пўлат сеткали фитил 7870 та мешлар сонидан иборат бўлиши асосланган.

қуритиш ускунасини ишлаб чиқаришга жорий этишнинг иқтисодий самарадорлиги йилига ўртача 19 млн, иқтисодий фойда эса 180 млн сўмни ташкил этиши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги назарий ва экспериментал натижаларни қайта ишлаш, қуритиш жараёнига таъсир этувчи омилларни ва мақбул режимларни аниқлашда статистик ҳамда математик ҳисоблаш методларидан, замонавий компьютер дастурлари ва операцион тизимлардан фойдаланилган, тажриба қурилмасида олинган натижаларнинг назарий натижаларга мослиги ва ярим саноат тадқиқотларида фойдаланилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти:

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти иссиқлик қувурлари билан таъминланган қуритиш ускунасининг конструкцияси, энергетик самарадорлиги, қуритиш жараёнининг кинетикаси ҳисобланиб, қурилма ИҚ нинг конденсация ва буғланиш зонасида ишчи агент ҳаракатининг қонунияти аниқланган. ИҚ ичидаги босим атмосфера босимидан паст 15,2 кПа гача туширилганда ишчи суюқликнинг қайнаш температураси камайганлиги, ҳароратнинг кўтарилиш вақти 4 мартагача қисқарганлиги ва ИҚ нинг ишлаш самарадорлиги 2 баравар ортганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти мева ва сабзавотлар (пиёз ва ўрик) ни қуритишда оптимал режимларидан фойдаланиш, иссиқлик қувурли қуритиш қурилмасининг энергетик самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Иссиқлик қувурларига асосланган мева сабзавотларни қуритиш жараёнининг энергия самарадорлигини ошириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

мева ва сабзавотлар (пиёз, ўрик) ни иссиқлик қувурлари ёрдамида ишлайдиган қуритиш қурилмаси “Ливадия-Бухара” МЧЖ да амалиётга жорий этилган («O'zbekiston Oziq-Ovqat Sanoati Uyushmasi»нинг 2021 йил 8 октябрдаги 08-119/1021-сон маълумотномаси). Натижада, энергия тежамкор иссиқлик қувури асосида ишловчи қуритиш қурилмасининг энгергетик самарадорлигини 2 мартага ошириш ва харажатларни 96,5% гача камайтириш имконини берган;

иссиқлик қувурининг ички камераси спирт аралашмаси билан тўлдирилган қуритиш қурилмаси “FRESH AND LIFE” МЧЖда (Бухоро вилояти) амалиётга жорий этилган («O'zbekiston Oziq-Ovqat Sanoati Uyushmasi»нинг 2021 йил 08 октябрдаги №08-119/1021-сон маълумотномаси). Натижада, паст ҳароратли режимда ўрик меваси ҳамда пиёзни қуритиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотларнинг асосий натижалари 5 та халқаро ва 5 та республика илмий-техник конференцияларда эълон қилинган, муҳокама қилинган ва тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш нашр этилган, шулардан 2 та монография, 8 та илмий мақола, шу жумладан 4 та республика ва 4 та Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган хорижий журналларда (шундан 1 таси SCOPUS базасига кирувчи журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 4 боб, хулоса, фойдаланган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 110 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, тадқиқотнинг объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан ва техника тараққиётининг уствор йўналишларига мослиги ва муаммонинг ўрганиш даражаси кўрсатилган, диссертация мавзусининг олий ўқув юртининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги акс эттирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Мева ва сабзавотларни қуритиш жараёнининг ҳозирги замонавий ҳолатини энергия сарфи нуктаи назаридан таҳлил қилиш”** деб номланган биринчи бобида мева ва сабзавотларни қуритиш жараёни бўйича илмий-техник ва патент маълумотлари кўриб чиқилган ҳамда адабиётларнинг умумий маълумотлари бўйича таҳлилар келтирилган. Мева ва сабзавотларни қуритиш жараёнининг энергия сарфи бўйича таҳлилар ўтказилиб, ИҚ бўйича тушунчалар берилган. Иссиқлик ва модда


алмашилиш тизимларида ИҚ дан фойдаланишнинг ҳозирги замон ҳолати таҳлил қилинган, уларнинг энергия сиғими ва қуритиш жараёнида фойдаланиш имконияти, жараённинг энергия харажатларини камайтириш учун тадқиқот ўтказиш зарурлиги кўрсатилган. Мева ва сабзавотларни қуритиш жараёнининг ҳозирги замонавий ҳолати бўйича энергия сарфининг таҳлилий маълумотлари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Мева ва сабзавот маҳсулотларини қуритиш технологиясида ишлатиладиган жиҳозларнинг характеристикаси

Қуритиш усуллари	1 кг намликни буғлатиш учун энергия сарфи, кВт/соат
Қуёш ҳаволи	0,5-1,0
Гелиоқуритиш	0,3-0,5
Инфра қизил нурлар	0,9-1,0
Сублимацион	2,7-5,0
Конвектив	1,8-3,0
Кондуктив	1,0-2,2
ЮЧ и ЎЮЧ	2,7-3,0
ИН ёрдамида	0,35-0,5

Диссертациянинг “Мева сабзавотларни қуритиш учун ишлатиладиган иссиқлик қувурларини ҳисоблаш ва лойиҳалаш методикаси” деб номланган иккинчи бобида ишчи агентлар ва ИҚ материалларини танлаш учун ИҚ нинг дастлабки конструкцияси таклиф қилинган. ИҚ капиллярларида иссиқлик узатиш жараёнининг математик таснифи, фитил капиллярларидаги суюқлик ҳамда буғ босимини ҳисоблаш усуллари келтирилган. Ғовакли материал (фитил)нинг капиллярини ҳисоблаш усули тавсия этилган ҳамда мева ва сабзавотларни қуритиш учун ИҚ материали ва иссиқлик ташувчиси танланган. Бунинг учун ИҚ нинг иссиқлик характеристикаларини таҳлил қилиш назарий ва тажриба тадқиқотлари асосида олиб борилди. Ҳар хил омилларнинг ИҚ ҳарорат характеристикаларига таъсири бўйича тажрибалар ўтказилиб, вакуум остида ИҚ ишлаши текширилди. Ишчи суюқликлар, қуритиш жараёнида фойдаланиш учун тўғри келадиган ИҚ корпуси ва фитил материаллари танланди.



1-расм. Ўртача ҳароратли иссиқлик қувурлар учун тажриба синов қурилмасининг схемаси ва расми:

1- станина; 2- маҳкамлагич; 3- итатив; 4,5- корпуслар; 6- суюқлик учун чиқиш патрубкиси; 7- суюқлик учун кириш патрубкиси; 8- термометрлар; 9- иссиқлик қувури; 10- иссиқлик изоляцияси; 11- иситувчи элемент; 12- шарнир; 13- сув; 14- терморостловчи қурилма; 15- улагич.

Тенглама (1) ёрдамида гидростатик босим, қувурнинг ички диаметри d_i ни, умумий узунлиги L_t ни ва қувурнинг горизонтга бурчак қиялиги ψ асосида аниқланади.

$$P_g = \rho_1 g (d_i \cos \psi + L_t \sin \psi) \quad (1)$$

бу ерда, ρ_1 - суюқлик зичлиги, g - эркин тушиш тезланиши.

Олинган натижаларга асосланиб, (1) формулага мувофиқ ишчи агентлар ҳарорати 30 дан 70⁰С гача кўтарилганда капилляр босими 1,19 марта камаяди деган хулосага келиш мумкин. Мешлар сонининг 75 дан 225 гача ортиши билан ишчи агентнинг сув тизимидаги капилляр босими 2,5 баробар, спирт учун эса 5 баробар ошиши кузатилди. Буни шундай тушунтириш мумкинки, суюқлик ҳарорати ошиши билан капиллярларда сирт таранглиги камаяди ва мешлар сонининг кўпайиши билан фитил ғовакларида суюқлик сирт таранглиги ошади. Мешлар сонининг кўпайиши билан фитилнинг ғоваклиги камайишини ва тўр толасининг диаметри ошиши билан унинг умумий ҳажми ортишини, бу эса унинг ғовакликлигининг пасайишига олиб келишини кўрсатди:

$$\varepsilon = 1 - \frac{\pi \cdot S \cdot N \cdot d}{4} \quad (2)$$

бу ерда, ε - тўр ғоваклилиги; S – тўр толасининг эгилиш коэффиценти $[1 \div 1,5]$; N – мешлар сони; d - тўр толасининг диаметри.

Ишчи агент, фитил материали ва ғоваклилигидан боғлиқ бўлган фитилнинг иссиқлик ўтказувчанлик коэффиценти қуйидагича ҳисобланди:

$$\lambda_{\phi} = \frac{\lambda_{ж} [(\lambda_{ж} + \lambda_{сет}) - (1 - \varepsilon)(\lambda_{ж} + \lambda_{сет})]}{[(\lambda_{ж} + \lambda_{сет}) + (1 - \varepsilon)(\lambda_{ж} - \lambda_{сет})]} \quad (3)$$

бу ерда $\lambda_{жс}$ - ишчи агентнинг иссиқлик ўтказувчанлик коэффиценти; $\lambda_{сет}$ - тўрнинг иссиқлик ўтказувчанлик коэффиценти; ε - тўрнинг ғоваклиги.

Олинган натижалар шуни кўрсатдики, иссиқлик чиқишида ишчи агент $\lambda_{жс}$ дистилланган сувдан фойдаланилганда ўртача ҳароратда ишлайдиган ИҚ нинг иссиқлик ўтказувчанлик коэффиценти ишчи агент спирт ишлатилганлигига нисбатан 1,7-2 баробар ошди, ҳамда фитилнинг ғоваклилиги 0,6 дан 0,84 гача (улушларда) ошиши билан иссиқлик ўтказувчанлик коэффиценти 1,2-1,3 баравар камаяди. Олинган натижаларга кўра, ўртача ҳароратда иссиқлик ишлатилганда ИҚ материалга қараб, фитил тўрининг қалинлиги 3 дан 5 мм гача ортганда иссиқлик ўтказиш коэффиценти k 1,3-1,4 марта камаяди.

ИҚ ичидаги буғ конденсатидан конденсация зонасидаги ташқи мухитга иссиқлик ўтказиш коэффиценти қуйидаги тенглама орқали ҳисобланади:

$$k = \frac{1}{\frac{1}{\alpha_1} + \frac{1}{\alpha_2} + \frac{\delta_{Тр}}{\lambda_{Тр}} + \frac{\delta_{Фт}}{\lambda_{Фт}}} \quad (4)$$

бу ерда α_1 - ИҚ нинг ташқи томон иссиқлик бериш коэффиценти; α_2 - ИҚ нинг ички томон иссиқлик бериш коэффиценти; $\delta_{Тр}$ - ИҚ нинг девор қалинлиги; $\lambda_{Тр}$ - ИҚ нинг иссиқлик

ўтказувчанлик коэффициенти; $\delta_{фт}$ – фитил қалинлиги; $\lambda_{фт}$ – фитилнинг иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти.

ИҚ қувватига турли омилларнинг таъсирини ўрганиш қуйидаги тенглама бўйича аниқланади:

$$Q = Fk\Delta T \quad (5)$$

Натижалар таҳлили шуни кўрсатдики, фитилнинг қалинлиги 3,0 мм бўлган, мис материалли ИҚ нинг иссиқлик оқимининг қуввати 550 Вт ва фитил қалинлиги 4,5 мм бўлганда эса иссиқлик оқимининг қуввати 380 Вт гача камайиши кузатилди.

1-расмда кўрсатилган қурилмада ИҚ нинг конденсатор ва буғлатиш қисмида ҳарорат ўзгаришига бурчак қиялигининг таъсирини аниқлаш учун тажрибалар ўтказилди, барча тажрибаларда ИҚ ларига атмосфера босими остида ишчи агентлар солиниб, бунда мис ва пўлатдан тайёрланган ИҚ лар солиштирилиб, натижалар олинди (2-жадвал).


2-жадвал

Иссиқлик қувурлари характеристикаларини қиёслаш жадвали

№	Қалинлиги 3 мм бўлган ИҚ материалли	Мешлар сони, N	Иссиқлик ташувчи	Конденсатор корпусидаги сув ҳароратининг кўтарилиш вақти, мин	Вақт давомида қия бурчак остидаги конденсатор корпуси бўйича сувнинг ўртача температураси, °C
1.	Пўлатли қувур, пўлатли фитил	4800	сув	85	65,5
2	Пўлатли қувур, пўлатли фитил	7870	сув	85	70,5
3	Стальная труба, мисли фитил	4800	сув	85	71,75
4	Стальная труба, мисли фитил	7870	сув	85	73
5	Пўлатли қувур, пўлатли фитил	4800	Спирт, 70%	80	64,5
6	Пўлатли қувур, пўлатли фитил	7870	Спирт, 70%	80	66,75
7	Пўлатли қувур, мисли фитил	4800	Спирт, 70%	80	67,75
8	Пўлатли қувур, мисли фитил	7870	Спирт, 70%	80	68,75
9	Мисли қувур, пўлатли фитил	4800	сув	80	70,5
10	Мисли қувур, пўлатли фитил	7870	сув	80	75,5
11	Мисли қувур, мисли фитил	4800	сув	80	76,75
12	Мисли қувур, мисли фитил	7870	сув	80	78
13	Мисли қувур, пўлатли фитил	4800	Спирт, 70%	75	69,5
14	Мисли қувур, пўлатли фитил	7870	Спирт, 70%	75	71,75
15	Мисли қувур, мисли фитил	4800	Спирт, 70%	75	72,75
16	Мисли қувур, мисли фитил	7870	Спирт, 70%	75	73,75

Натижалардан кўриниб турибдики ИҚ нинг бурчак қиялиги конденсатордаги сув ҳароратига унчалик таъсир қилмайди. Асосан, ишчи суюқлик (иссиқлик ташувчи), фитил қалинлиги, иссиқлик ташувчининг иссиқлик ўтказувчанлиги, ИҚ нинг ва фитилнинг иссиқлик ўтказиш коэффициентилари иссиқлик оқимига таъсир кўрсатади деб хулоса қилиш мумкин.

Ушбу маълумотларга асосланиб тажриба учун қуритгичда ишлатилиши мумкин бўлган ИҚ ларни танладик. Бунинг учун пўлат қувурли, мешлар сони 7870тани ташкил этган пўлат фитилдан ва иссиқлик ташувчи 70% спирт аралашмасидан иборат ИҚ танланди. Иссиқлик ташувчиси 70% ли спирт аралашмали ИҚ атмосфера босимида 80⁰С дан юқори ҳарорат градиентида ишлайди. 70% ли спирт аралашмасининг қайнаш нуқтаси 80,72⁰С бўлганлиги сабабли, қайнаш нуқтасини камайтириш учун ИҚ ичида вакуум ҳосил қилинади (2-расм).



2-расм. Иссиқлик қувури ичида $P_0=15,2$ кПа босимда иссиқлик қувури ишлашини текшириш учун экспериментал синов қурилмаси схемаси ва расми:

1-иситувчи элемент, 2-штатив, 3-ИҚ, 4-иссиқликка чидамли колба, 5,6,7,8,9-термопарлар, 10- мультиметр, 11- манометр.

3-жадвал


Ҳар хил босимда иссиқлик ташувчи суюқликлар қайнаш нуқтасининг қиёсланиши

Сувнинг қайнаш нуқтасининг босимдан боғлиқлиги		Этил спирти қайнаш нуқтасининг босимдан боғлиқлиги		70% ли этил спирти аралашмаси қайнаш нуқтасининг босимдан боғлиқлиги	
Босим, Па, 10^4	Қайнаш нуқтаси, $^{\circ}\text{C}$	Босим, Па, 10^4	Қайнаш нуқтаси, $^{\circ}\text{C}$	Босим, Па, 10^4	Қайнаш нуқтаси, $^{\circ}\text{C}$
1,01	45,45	1,33	34,2	2,67	49,8
2,02	59,67	2,0	42	5,33	64,5
3,04	68,68	2,66	47,8	8,0	74,2
4,05	75,42	5,33	62,8	10,13	80
5,07	80,86	10,13	78,15	12,57	86,1


Тадқиқотлар асосида қуйидаги натижалар олинди. Корпус ва фитил материали пўлат, иссиқлик ташувчиси 70% спирт аралашмаси, ички диаметри 20 мм, вакуум $P_0=15,2$ кПа бўлганда, ИҚ корпуси конденсатор қисмининг 9-нуқтасида 20 дақиқа мобайнида температура 82,5⁰С ташкил этади. Иссиқлик ташувчи дистилланган сувда эса, вакуум $P_0=15,2$ кПа бўлганда 20 дақиқа мобайнида температура 61⁰С ташкил этди. Аммо 100⁰С ҳароратли иссиқлик

энергияси берилганда ИҚ ичидаги вакуум $P_0=15,2$ кПа дан $P_0=81$ кПа гача ўзгарди.


Диссертациянинг “Мева ва сабзавотларни қуритиш жараёнини экспериментал ўрганиш” деб номланган учинчи бобида, ишлаш принципи қуёш энергиясига асосланган ИҚ ёрдамида мева ва сабзавотларни қуритиш жараёни тадқиқ қилиниб, тажриба синов қурилмаси ишлаб чиқилди (3 расм). Атроф муҳит температураси 45°C ташкил этганда, иссиқлик узатувчи камерада температура 74°C ни, қуритиш камерасида эса 68°C га қўтарилиши кузатилди (4-расм).



3-расм. Иссиқлик қувури ёрдамида ишлайдиган қуритиш ускунасининг схемаси




4-расм. Қуритиш камерасида температура ўзгариши. (1-атроф муҳит температурасининг ўзгариши; 2-иссиқлик узатиш камерасидаги ҳаво температурасининг ўзгариши, 3- қуритиш камерасидаги ҳаво температурасининг ўзгариши.)




5-расм. Иссиқлик қувурининг буғлатиш ва конденсатор зонасида температура ўзгариши. (1-иссиқлик узатиш камерасининг буғлатиш зонасида ИҚ корпуси ҳароратининг ўзгариши, 2- ИҚнинг конденсатор зонасидаги температура ўзгариши.)

Шунингдек, ИҚ нинг иккита зонаси бўйича температура ўзгаришлари ўрганилганда, ИҚ нинг конденсатор зонасида температура 74°C ни, буғлатиш зонасида эса 80°C ни ташкил этганлиги аниқланди (5-расм). Тажриба


қурилмасидаги ҳаво тезлиги 3 м/с, температураси 60°C бўлганда, қалинлиги 3, 4, 5 мм бўлган пиёзни қуриштиш давомийлиги 4-7 соатни ташкил этди (6-расм). Ўрик мевасини қуриштиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари 8 ва 9 расмда ҳавола этилган. Қуриштиш камерасига узатилаётган ҳаво тезлиги 3 м/с, температураси 55,60,65°C бўлган режимларда ўрик мевасини қуриштиш амалга оширилди.




6-расм. Кесилган пиёз намлигининг ўзгариши эгри чизиқлари. 60°C ҳароратда ҳаво тезлиги $v=3\text{ м/с}$. (1-қалинлиги 5 мм, 2-қалинлиги 4 мм, 3-қалинлиги 3 мм.)



7-расм. Кесилган пиёзнинг қуриштиш тезлигининг эгри чизиқлари. 60°C ҳароратда ҳаво тезлиги $v=3\text{ м/с}$. (1-қалинлиги 3 мм, 2-қалинлиги 4 мм, 3-қалинлиги 5 мм.)



8-расм. Яримталиқ ўрик намлигининг ўзгариши эгри чизиқлари. (ҳаво тезлиги $v=3\text{ м/с}$, ўрик қалинлиги 5 мм: 1- 60°C; 2- 55°C; 3- 65°C.)



9-расм. Иссиқлик қувури ёрдамида ишлайдиган экспериментал қуриштиш ускунасида яримталиқ ўриқни қуриштиш тезлигининг эгри чизиқлари. (ҳаво тезлиги $v=3\text{ м/с}$, ўрик қалинлиги 5 мм: 1-60°C; 2 - 55°C; 3 - 65°C.)

Бунда таъсир этувчи омиллар сифатида қалинлиги 5 мм, шакли яримталиқ ўрик меваси олиниб, қуриштиш камерасидаги температура 55°C га етказилганда қуриштиш давомийлиги 8 соатни, 60°C да 7 соатни, 65°C да эса 6,5 соатни ташкил этди (8-расм). Тадқиқ қилинаётган махсулотларнинг

қуритиш тезлигини характерловчи эгри чизиклар 7 ва 9 расмларда келтирилган.

Тажриба натижаларини қайта ишлашда тўлиқ факторли экспериментни режалаштириш (ТФЭ³) усули қўлланилиб, махсулотларнинг қуритиш жараёни тезлигига таъсир этувчи параметрларнинг мақбул қийматлари аниқланиб, пиёз учун жараёни тавсифловчи регрессион тенгламалар олинди:

$$y=16,03-3,23x_1-5,32x_2+6,41x_3+1,29x_1x_2-0,72x_1x_3-2,11x_2x_3 \quad (6)$$

(6) тенглама ёрдамида ҳақиқий ўзгарувчиларни аниқлаймиз:

$$y= 39,9-1,016z_1-0,1374z_2+22,79z_3+0,0029z_1z_2-0,144z_1z_3-0,0234z_2z_3 \quad (7)$$

Ўрик меваси таркибидаги намликнинг ўзгаришини тавсифловчи регрессион тенглама қуйидагича:

$$y=24,07-3,36x_1-2,52x_2+3,63x_3+0,59x_1x_2-0,66x_2x_3 \quad (8)$$

(8) тенглама асосида аниқланган ҳақиқий ўзгарувчилар қуйидагича:


$$y= 73,54-1,18333A_1-0,07005A_2+6,49A_3+0,00131A_1A_2-0,00733A_2A_3 \quad (9)$$

Пиёз ва яримталиқ ўрикни қуритиш жараёнининг оптимал мезонлари аниқланиб, пиёз учун мувозонат намлик 12%, яримталиқ ўрик учун эса 20% деб қабул қилинди:

$$Y_{\text{чик}}=f(t,\tau,\delta) \rightarrow Y_{\text{чик}}=12\% \quad (10)$$

$$Y_{\text{чик}}=f(t,\tau,\delta) \rightarrow Y_{\text{чик}}=20\% \quad (11)$$


ИҚ ёрдамида пиёз ва ўрикни қуритиш жараёнининг уч ўлчовли графиклари MatCad дастури ёрдамида олинди (10,11- расм).



10-расм. Пиёз таркибидаги намликнинг температура, қатламнинг қалинлиги ҳамда қуритиш давомийлиги бўйича ўзгариши

Уч ўлчовли графиклардан маълумки, пиёз учун қуритиш камерасидаги температура 60⁰С, махсулот катлами қалинлиги 4 мм, ҳаво тезлиги 3м/с,

қуритиш давомийлиги 300 дақиқа бўлган қуритиш жараёни оптимал ҳисобланиб, пиёзнинг мувозонат намлиги 12 % ташкил этади.




11-расм. Ўрик таркибидаги намликнинг температура, қалинлиги ҳамда қуритиш давомийлиги бўйича ўзгариши

Ўтказилган тадқиқотлар натижасида ўрик меваси учун оптимал режим: қуритиш камерасининг температураси 60°C , ҳаво тезлиги 3 м/с, маҳсулот қалинлиги 5 мм, қуритиш вақти 420 дақиқа, маҳсулотнинг мувозонат намлиги эса 20% ташкил этади.

Диссертациянинг “Иссиқлик қувурларини қўллаб қуритиш ускунасини муҳандислик ҳисоб-китоб қилиш методологияси” деб номланган тўртинчи бобда қуёш энергияси асосида ИҚ ёрдамида ишлайдиган қуритиш ускунасининг тuzилиши ва ишлаш принципи келтирилган.

Таклиф этилаётган ярим саноат қуритиш қурилмаси қуйидаги қисмлардан иборат: қуритиш камераси 1, қуёш коллектори 4, ИҚ тизимидаги буғлатгич 3, иккита конденсатор қисми 6 ва 10, вентилятор 8, ҳаво ўтказгич тизими 15, аккумуляция қурилмаси 12,14, вентилятор 7,11,13 ва конденсат йиғгич 16 дан иборат. Буғлатгич 3 қуёш коллектори 4 да жойлашган, ҳаво ўтказгич 15 га конденсаторнинг бир қисми 6, ҳамда конденсаторнинг иккинчи қисми 10 аккумулятор қурилмаси 12 га ўрнатилган. 6 ва 10 конденсатор қисмлари ҳамда ИҚ 3 нинг буғлатгич қисми буғ линияси 5 ва конденсатор қувурлари 2 билан ўзаро боғланган. ИҚ 9 нинг биринчи қисми иссиқлик аккумулятори 14 га, иккинчи қисми ҳаво ўтказгич 15 га ўрнатилган.

Бухоро вилоятидаги “Ливадия-Бухара” МЧЖ ва “FRESH AND LIFE” МЧЖ да ИҚ ёрдамида ишлайдиган ярим саноат қуритиш ускунаси саноат синовидан ўтказилиб қуйидаги натижалар олинди. Пиёз қалинлиги 4 мм, ҳаво тезлиги 3 м/с ва ҳаво ҳарорати 60°C бўлганда қуритиш жараёни 5 соатни, маҳсулотнинг мувозонат намлиги эса 12% ташкил этди.



12-расм. Иссиқлик қувури ёрдамида ишлайдиган қуритиш ускунасининг схемаси

ИҚ ёрдамида ишлайдиган қуритиш ускунасининг технологик кўрсаткичлари 4-жадвалда келтирилган.

4-жадвал

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	ИҚ билан ишлайдиган қуритиш ускунаси
1	Тайёр маҳсулот бўйича унумдорлик	кг /соат	12,5
2	Бошланғич намлик	%	89
3	Охирги намлик	%	12
4	Солиштирма юклама	Кг/м ²	14-16
5	Тайёр маҳсулот чиқиши	%	12,5-13
6	1 кг қуритилган мева ва сабзавотларни қуритиш учун солиштирма энергия сарфи	кВт* соат	0,125
7	Қуритиш давомийлиги	Соат	4,0 – 5,0
8	1 т қуритилган маҳсулотга тўғри келадиган келтирилган солиштирма сарф	Млн сўм/т	10,5
9	Технологик усқунанинг тахминий қиймати	Млн. сўм	63,6
10	Ўз-ўзини қоплаш	йил	0,35
11	Йиллик энергетик самара	Млн.сўм	18,7
12	Йиллик иқтисодий самара	Млн. сўм	180,4

Қуритиш ускунаси оддийлиги, хафсизлиги, металл конструкцияси бўйича ўрта харажатли, қуёш энергияси асосида иссиқлик энергияси ҳосил қилиш имконияти юқорилиги, экологик тоза маҳсулот олиш имконияти мавжудлиги, қурилманинг манёврлик даражаси юқорилиги каби афзалликларга эга. Шунингдек, ананавий қуритиш қурилмаларида маҳсулот таркибидаги 1 кг намликни чиқариб юбориш учун 1,8-3,0 кВт/соат энергия сарфланса, таклиф этилаётган қуритиш қурилмасида энергия сарфи 0,1-0,2 кВт/соатни ташкил этади. Натижада ИҚ ёрдамида ишлайдиган қуритиш ускунасини ишлаб чиқаришга жорий этишда энергия сарфини 96,5% гача камайтиришга эришилди.

Таклиф қилинаётган янги конструкциядаги қуритиш ускунасининг ишчи чизмалари ва деталларини Ўзбекистон машинасозлик заводларида тайёрлаш имконияти мавжуд. Амалга оширилган назарий ва экспериментал тадқиқотлар ҳамда ишлаб чиқариш синовларининг натижалари юқори технологик параметрларга эга бўлган, ИҚ ёрдамида ишлайдиган саноат шароитидаги қуритиш ускунасини кенг қўламда ишлаб чиқаришга замин яратади.

ХУЛОСА

1. Мева ва сабзавотларни қуритиш жараёнининг мавжуд қуритиш жиҳозларидаги энергия сарф-харажатлари бўйича ҳозирги ҳолати ўрганилди ва камчиликлари аниқланди.

2. Назарий ва экспериментал тадқиқотлар асосида ИҚ нинг асосий конструктив ва технологик параметрлари аниқланди. Фитил қалинлиги 3 мм бўлган ИҚ да иссиқлик оқими қуввати 550 Вт бўлиши, фитил қалинлиги 4,5 мм бўлганда иссиқлик оқими қуввати 380 Вт гача камайиши, ИҚ нинг эгилиш бурчаги муҳит ҳароратининг 64,5 дан 78⁰С гача ошишига кам таъсир қилганлиги, иссиқлик энергиясининг оқимига асосий таъсир этувчи омиллар эса- ишчи суюқлик (иссиқлик ташувчи), фитил қалинлиги, иссиқлик ташувчининг иссиқлик ўтказувчанлиги, атмосфера босимида фитил ва ИҚ корпуси материалининг иссиқлик узатиш коэффициенти туфайли юзага келиши аниқланди.

3. Олиб бориладиган назарий ва экспериментал тадқиқотлар асосида ишчи агентларни аниқлаш ҳамда мева ва сабзавотларни қуритиш жараёнида қўлланиладиган ИҚ учун материаллар танланди. ИҚ учун корпус материали ва сеткали фитил материали-пўлат, фитилдаги мешлар сони -7870, ишчи суюқлик (иссиқлик ташувчи)-70% ли этил спирти аралашмаси, ИҚ нинг ички диаметри 20 мм.

4. ИҚ нинг иситиш ва конденсация зонасида ишчи агент ҳаракатининг қонунияти аниқланди. ИҚ ичида атмосфера босимидан паст 15,2 кПа гача вакуум ҳосил қилинганда ишчи суюқликнинг қайнаш температураси камайганлиги, ҳароратнинг қўтарилиш вақти 4 мартагача қисқарганлиги, натижада ИҚ нинг ишлаш самарадорлиги 2 баравар ортганлиги, ИҚ

ишлаётганда ичидаги босим 15,2 кПа дан 81 кПа гача кўтарилиши аниқланди.

5. ИҚ дан фойдаланилган ҳолда энергия самарадорликни оширувчи тажриба синов қуритиш ускунаси ишлаб чиқилди. ИҚ ёрдамида ишлайдиган қуритгичда пиёз ва ўрикни қуритиш вақти омиллардан боғлиқ ҳолда қуйидагиларни: ҳаво тезлиги 3 м/с, ўртача ҳарорат 60⁰С, қалинлиги 3 мм бўлганда 4 соатни, қалинлиги 4 мм бўлганда 5 соатни ва қалинлиги 5 мм бўлганда 7 соатни; ўрик учун ҳаво тезлиги 3 м/с, қалинлиги 5 мм, ўртача ҳарорат 60⁰С бўлганда 7 соатни, ўртача ҳарорат 55⁰С да 8 соатни, ва ўртача ҳарорат 65⁰С да 6,5 соатни ташкил этди. Кун давомида атроф муҳит ҳарорати ўртача 45⁰С ташкил этганда, ИҚ нинг конденсатор қисми камерасида ҳаво ҳарорати 68⁰С гача, ИҚ нинг буғланиш қисмида ҳаво ҳарорати 74⁰С гача, буғланиш камерасидаги ИҚ корпусининг ҳарорати 80⁰С гача, конденсатор камерасидаги ИҚ корпусининг ҳарорати эса 74⁰С гача кутарилиши аниқланди.

6. ИҚ дан фойдаланиб пиёз ва ўрикни қуритиш жараёнига таъсир этувчи омиллар экспериментал ўрганилди. Экспериментал натижаларни математик ва статистик қайта ишлаш асосида пиёз ва ўриқнинг охириги намлигига омиллар таъсирини тавсифловчи регрессия тенгламалари олинди. Қуритишнинг оптимал технологик режимлари пиёз учун: ҳарорат 60⁰С, пиёз қатламининг қалинлиги 4 мм, қуритиш вақти 300 дақиқа, ҳаво тезлиги 3 м/с бўлганда пиёзнинг мувозонат намлиги 12% етганлиги, ўрик учун: ҳарорат 60⁰С, қатламнинг қалинлиги 5 мм, қуритиш вақти 420 дақиқа, ҳаво тезлиги 3 м/с бўлганда мувозонат намлик 20% ташкил этганлиги аниқланди.

7. ИҚ ёрдамида ишлайдиган қуритиш ускунасининг муҳандислик ҳисоблаш методи ишлаб чиқилиб, сменасига 500 кг хомашё бўйича қуритгичнинг конструктив, жараённинг моддий ва иссиқлик баланслари аниқланди.

8. ИҚ дан фойдаланиб қуритиш ускунасини ишлаб чиқаришга жорий этишнинг иқтисодий самарадорлиги ҳисоблаб чиқилган бўлиб унинг йиллик иқтисодий самарадорлиги 18 731 250 сўмни, йиллик иқтисодий фойда эса 180 445 313 сўмни ташкил этди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ РnD.03/30.12.2019.Т.101.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЁНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ БУХАРСКОМ ИНЖЕНЕРНО-
ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

БУХАРСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

ХОЛИКОВ АЛИЖОН АБДИРАУПОВИЧ

**ПОВЫШЕНИЕ ЭНЕРГЕТИЧЕСКОЙ ЭФФЕКТИВНОСТИ
ПРОЦЕССА СУШКИ ПЛОДОВ И ОВОЩЕЙ НА ОСНОВЕ
ПРИМЕНЕНИЯ ТЕПЛОВЫХ ТРУБ**

02.00.16 –Процессы и аппараты химических технологий и пищевых производств

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (РnD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Бухара – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером В2017.3.PhD/Т341.

Диссертационная работа выполнена в Бухарском инженерно-технологическом институте.

Автореферат диссертации написан на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (по адресу bmti_info@edu.uz) и информационно-образовательном портале «Ziyouet» (по адресу www.ziyouet.uz.)

Научный руководитель: **Джураев Хайрулло Файзиевич**
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Сафаров Жасур Эсиргапович**
доктор технических наук, профессор

Жумаев Каюм Каримович
кандидат технических наук, доцент

Ведущая организация: **Каршинский инженерно-экономический институт**

Защита диссертации состоится «17» февраля 2022 г. в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.Т.101.01 при Бухарском инженерно-технологическом институте по адресу: 200117, г.Бухара, ул. К.Муртазаева, 15. Тел.: (99865) 223-78-84, факс: (99865) 223-78-84, e-mail: bmti_info@edu.uz.

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Бухарского инженерно-технологического института за № 359, с которой можно ознакомиться в ИРЦ (Адрес: 200117, г.Бухара, ул. К.Муртазаева, 15. Тел.: (99865) 223-78-84.)

Автореферат диссертации разослан «4» февраля 2022 года.
(реестр протокола рассылки № 4 от «31» января 2022 г.).



Н.Р.Баракаев

Председатель научного совета по
присуждению учёной степени,
д.т.н., профессор

Р.Р.Хайитов

Учёный секретарь научного совета
по присуждению учёной степени,
д.т.н., ст.науч.сот.

Ш.М.Ходжиев

Председатель научного семинара
при научном совете по присуждению
учёной степени, к.т.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день наблюдается высокий рост выращивания, переработки сельхозпродукции, производства импортозамещающей продукции. Производство консервов и сушеных сельскохозяйственных продуктов - одна из ведущих отраслей пищевой промышленности. При сушке сельскохозяйственных продуктов используются сложная конструкция, энергозатратные техники и технологии. Соответственно, важно создавать современные методы и технологии с использованием эффективных, энергосберегающих возобновляемых источников энергии, необходимых для производства сушеных плодоовощей на экспорт.

В мире ведутся исследования по комплексной переработке сельхозпродукции, совершенствованию процессов и оборудования для сушки фруктов и овощей, созданию современного оборудования и технологий на основе инновационных технологий. В связи с этим особое внимание уделяется изучению низкотемпературной сушки овощей и фруктов с использованием вторичных источников энергии, созданию современных высокоэффективных методов и устройств для производства качественных, ориентированных на экспорт сушеных плодоовощей.

В нашей стране достигаются значительные результаты в разработке ресурсосберегающих, усовершенствованных устройств. Проводятся научные исследования для определения режимов энергоэффективных процессов сушки с использованием тепловых труб (ТТ), моделирования, оптимизации процессов тепла и обмена веществ, разработки научно обоснованных оптимальных методов проектирования. В Стратегии действий определены задачи по дальнейшему развитию Республики Узбекистан говорится, что "...сокращение энерго и ресурсопотребления экономики, внедрение энергосберегающих технологий в производство, последовательное развитие сельскохозяйственного производства, производство конкурентоспособной и импортозамещающей продукции, существенное повышение экспортного потенциала аграрного сектора"¹. В связи с этим важно внедрение механизма использования солнечной энергии, ТТ и вторичных источников энергии при низкотемпературной сушке плодоовощей.

В определенной степени диссертационное исследование служит выполнению задач, предусмотренных в Постановлениях, Указах Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года "О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан", №ПП-4887 от 11 ноября 2020 года "О дополнительных мерах по обеспечению здорового питания населения", №УП-6097, от 30 октября 2020 года "Об утверждении Концепции развития науки до 2030 года", №ПП-4863 от 16 октября 2020 года "О мерах по увеличению производства и экспорта чеснока и овощной

¹ Указ Президента Республики Узбекистан 2017 года 7 февраля УП-4947 - О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан.

продукции методом «туксонбости»», №ПП-4549 от 12 декабря 2019 года “О дополнительных мерах по дальнейшему развитию плодовоовощеводства и виноградарства, созданию в отрасли цепочки добавленной стоимости”, №УП-5853 от 24 октября 2019 года “Об утверждении Стратегии развития сельского хозяйства Республики Узбекистан на 2020-2030 годы”, №ПП-4433 от 31 августа 2019 года “О мерах по совершенствованию системы привлечения молодежи к науке и поддержке ее инициатив” и нормативно-правовых документах, связанных с этой деятельностью.

